


Американинг Ислом инсонпарварлик кўмаги ташкилоти Бруклиндаги муҳтожларга ифторликлар тарқатмоқда



18:00 / 03.04.2023 1534

Бутун дунё мусулмонлари учун Рамазон нафақат рўза тутиш, балки муҳтожларга эҳсон қилиш ойдир. Бу ой давомида қилинган эҳсонларга бошқа ойларга нисбатан кўпроқ ҳасанотлар ваъда қилинган. Бундай имкониятдан фойдаланиш мақсадида Islamic Relief USA ташкилоти Нью Йорк штатининг Бруклин шаҳридаги муҳтожларга иссиқ овқат ва бошқа егуликлар билан тўлдирилган махсус пакетларни тарқатмоқда.

Америка Мусулмон ёшлари жамияти маркази олдида тўпланган инсонларга кўнгиллилар ҳалол овқатлар улашишди.

«Бу фақатгина Бруклин шаҳридаги манзилимиз эмас. Бундан ташқари, Статен, Исланд, Квинс ва Бронкс шаҳарларида ҳам хайрия тадбирларини

уюштирамиз. Режамизга кўра, бу ойда 75,000та таом улашмоқчимиз» дейди Islamic Relief ходими, Кеша Абдул-Матеен.

«Бунга ўхшаш тадбирлар бутун Бруклин шаҳри мусулмонлари учун Рамазон ойида хушайфият улашади деган умиддамиз. Эътиборлиси шуки, Американинг Мусулмон ёшлари жамияти марказида ҳафтанинг исталган кунда муҳтожлар текин овқатга эга бўлишлари мумкин» дейди марказ раҳбари, Малик Ҳасан.

Маълумот учун, Американинг деярли 22% мусулмонлари Бруклин шаҳрида истиқомат қилишади.